



Раъно БЕГМАТОВА

катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

НЕМИС ТИЛИДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ ИЛОВА ҚУРИЛМА ТАРКИБИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Мақолада немис тилидаги модал юкламаларнинг илова қурилмалар таркибидаги вазифалар тадқиқ этилган. Муаллиф ўз фикрларини шу тилдаги *auch, nur, schon, jedenfalls, immer* каби юкламалар ёрдамида тушунтиради.

В статье исследуются функциональные особенности модальных частиц в немецком языке в составе присоединительных конструкций. Автор обосновывает свое мнение с помощью таких модальных частиц, как *auch, nur, schon, jedenfalls, immer*.

The article dwells upon the Statements of modal particles and functions in the system of connect constructions in German. The author interpreted his opinion with support of modal particles as *auch, nur, schon, jedenfalls, immer*.

Калит сўзлар: ядро, илова қурилма, мураккабсинтактик бутунлик, пресуппозиция ходисаси, эксплицитив ва имплицитив усуллар, логик урғу, полифункционаллик.

Ключевые слова: ядро, присоединение, пресуппозиция, эксплицитные и имплицитные методы, логическое ударение, полифункционализм.

Key words: bullet, connect constructions, presupposition, explicit and implicit, modal particles.

Юкламаларнинг илова қурилма таркибида бажариб келаётган функциялари тўғрисида фикр юритишдан олдин, илова қурилманинг ўрганилиш даражаси, лингвистик моҳияти тўғрисида айрим фикр-мулоҳазаларни келтиришни ўринли деб биламиз. Илова қурилма синтактик-стилистик ҳодиса сифатида жуда кўплаб тилларда илмий изланишлар доирасида мураккаб синтактик бутунликнинг структуравий гуруҳларидан бири сифатида талқин қилинади. Мураккаб синтактик бутунлик, бу – матннинг бир структурадаги кўринишидир.

Илова қурилма структуравий тузилишига кўра икки қисмдан ташкил топади: асосий қисм ва иловали унсурлар (иловали унсурларнинг сони бирдан ошиқ бўлиши ҳам мумкин). Иловали унсурларнинг мазмуни ҳам синтактик ва ҳам семантик жиҳатдан салмоқли бўлади, чунки улар доимо мантиқий урғу олади.

Қуйида иловали унсурлар томонидан асосий ифодага нисбатан билдириб келинаётган қўшимча маъно хусусиятларининг турли шакллардаги юкламалар ёрдамида кучайтирилишига эътибор қаратайлик: *Eheleute sollen keine Geheimnisse voreinander haben. Und nun hat auch er welche vor ihr* (1, 296). Ушбу гапда содда структуравий илова қурилма қўлланилган. У икки қисмдан, яъни: асосий ифода – *Eheleute sollen keine Geheimnisse voreinander haben* ҳамда иловали унсур – *Und nun hat auch er welche vor ihr* дан ташкил топган. Одатда, иловали унсурлар асосий ифоданинг бутун мазмуни талаби билан ҳосил бўлади. Бироқ келтирилган мисолдаги иловали унсур асосий ифода таркибидаги *keine Geheimnisse* компоненти мазмунини конкретлаштириш, изоҳлаш ва тўлдириш мақсадида қўлланилган. Иловали унсур таркибида *auch* юкламасининг келиши шу иловали унсурнинг бутунлай мазмунини эмас, балки алоҳида бўлагининг мазмунини таъкидлаш мақсадида ишлатилган. *Auch* юкламаси эга функциясида келувчи *er* олмоши билан ўзаро синтактик муносабатга киришиб, унга нисбатан қўшимча таъкидлаш маъносини англатади. Натижада *auch* юкламасининг қўшимча маъноси билан уйғунлашади. Юкламага эга бўлган бундай иловали унсурлар таркибида иккита коммуникатив марказ вужудга келади: биринчи коммуникатив марказ шу иловали унсурнинг тўлиқ мазмунини ифодаласа, иккинчи коммуникатив марказ *auch* юкламаси иштрокида ҳосил бўлиб ва *auch er* юкламали бирикма мазмунини беради. Буларнинг барчаси иловали унсур томонидан англашилаётган қўшимча маъно таъсир доирасини кучайтиришга хизмат қилади.

Икки коммуникативли марказнинг юзага келишини бошқа гаплар таркибида ҳам кўриш мумкин. Масалан:

Und er tat es auch nicht, obwohl ihm der Pastor am naechsten Tage eine schlimme Nachricht brachte, eine sehr schlimme Nachricht, ganz besonders auch fuer Anna Quangel. Der Werkmeister bat ihr nur, diese sehr schlimme Nachricht noch nicht seiner Frau zu bringen.

Und der Pastor versprach das auch (1, 440).

Ушбу мисол таркибидаги илова қурилма стилистик функцияга бой бўлган синтактик бирлик ҳисобланади, чунки ушбу илова қурилма таркибида келаётган *auch* юкламасининг уч марта такрорланиб келиши ва у билан ўзаро синтактик муносабатга кирувчи ядролар томонидан билдириб келаётган маъно хусусиятлари китобхоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади, хабарларнинг ким учун ўта хавфлилиги илова қурилма таркибида келувчи *auch* юкламаси орқали алоҳида таъкидланади. Масалан, *эртаси кuni қамоқхона пастори (руҳонийси) унга, яъни,*

Отто Кванчелга, ўта гамгин, айниқса Анна Кванчелга нисбатан ўта хавфли хабар олиб келган бўлса ҳам, у ҳеч таъвишланмади. Отто Квангел пастордан шу гамгин хабарни фақатгина хотинига билдармасликни илтимос қилди. Пастор эса унга сўз берди. Бу ўта гамгин хабар Отто Кванчелга тегишли эди, чунки қамоқхона ходимлари уни тезда гумдон қилишга қарор қилишди. Ана шу хабарни у пастордан ўз хотинига айтмасликни илтимос қилди, ваҳоланки, унинг хотини ҳам худди шундай аҳволда эди. Асар муаллифи бундай мудҳиш хабарларни юмшатиш мақсадида доимо юкламаларга мурожаат қилади ва юкламалар содир бўлаётган ҳаяжонли воқеаларни юмшатиб китобхонга етказди.

Юкламаларнинг ҳам асосий ифода таркибида, ҳам иловали унсурлар таркибида келиши улар ўртасидаги синтактик ва умумий мазмуний алоқаларни ўрнатишда кўшимча лексик-грамматик воситалар ҳисобланади. Ушбу илова қурилма таркибида бешта коммуникатив марказ юзага келган: биринчиси – бош гапнинг рема таркибида *auch nicht*; иккинчиси – шу гапнинг ажралмас қисми ҳисобланган эргаш гап таркибида *ganz besondes auch fuer Anna Quangel*; учинчиси — иккинчи гапнинг рема таркибида *nur*, тўртинчиси – иловали унсурнинг якуний қисмидаги *auch*; Бешинчи коммуникатив марказ, бу – иловали унсурнинг ўзидир. Демак, ана шу бешта коммуникатив марказ ёрдамида таҳлил қилинаётган илова қурилманинг синтактик, семантик, коммуникатив ва стилистик функциялари шаклланади. Уларнинг шаклланишида улар таркибида келувчи юкламалар ва иловали унсур муҳим рол уйнайди.

Ушбу матн таркибида учрайдиган *schon, jedenfalls, auch, immer* юкламалари тасвирланаётган воқеаларга сайқал бериб, мазмунни юмшатишга хизмат қилади. Бир оила бошига тушган бундай мудҳиш воқеанинг секин-аста, осойишталик билан ривожланиши асар қаҳрамонларининг ҳар қандай қийинчиликларга мардларча, астойдил бардош бера олганлигини кўрсатади. Ёлғиз бир оила тимсолида ёзувчи керакли сўзларни шошмасдан жой-жойига қўйиб ғалабани тасвирлашга ҳаракат қилади, воқеанинг бундай осойишталик билан тасвирланиши матнда қўлланилаётган юкламалар табиатида хос хусусиятдир.

Юкламалар хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий изланишларда юкламаларга эмас, балки уларнинг юкламали бирикмалар таркибидаги ядроларига мантикий урғунинг тушиши алоҳида таъкидланади. Юкламалар ёрдамчи сўз туркумлари гуруҳига тааллуқли бўлгани учун, ўз лексик маъносига эга бўлмаган, ўзгармайдиган, турланмайдиган, тусланмайдиган сўзлар, деган қараш устувор. Сабаби – улар мантикий урғуни қабул қилмайди. Бироқ матн доирасида содир бўладиган вазиятлар, контекстуал муҳит, конкрет мисоллар, тахминлар ҳам юкламаларнинг мантикий урғуга эга бўлишини тасдиқламоқда.

Nur юкламаси матн доирасида бошқа юкламаларга нисбатан кенг ёйилиши билан бир қаторда юкламаларга хос айрим маънога хос ўзгаришларни

шакллантиришда муҳим рол уйнайди. *Nur* юкламаси бошқа юкламаларга нисбатан кўпроқ пресуппозиция билан боғланган. Бу билан бошқа юкламалар пресуппозиция билан ўзаро муносабатга киришмайди деб бўлмайди. Бизнингча, пресуппозиция – кўп қиррали ҳодиса. Пресуппозиция, бу – тилнинг прагматик вазифасини руёбга чиқаради. Пресуппозиция гапнинг тўғри англашдаги энг зарур омиллардан бири. Чунки бу ҳодиса орқали гапнинг вазият, контекст ҳамда сўзловчи ва тингловчилардаги аввалги билимлари ишга тушади. Шунинг учун прагматик аспектда пресуппозиция ҳодисаси алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган бирликлар турли тағбилимларни англариб, битта содда гапга тенг келадиган маънога эга бўлади. Худди шундай ҳолатни *nur* юкламаси орқали изоҳлаш мумкин. Келтирилган мисолларда ҳам *nur* юкламаси ёрдамида турли пресуппозициялар юзага келган. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, пресуппозиция ҳодисаси умумлингвистик ҳодиса бўлиб, фақат юкламалар билан боғлиқ ўзгаришларни эмас, балки кенг лингвистик майдонда содир бўладиган ўзгаришларни қамраб олади. Кенг лингвистик майдон тушунчасини қуйидаги мисол ёрдамида изоҳлаш мумкин: *In einem der Zimmer lag ihr Lieblingssohn Otto*(1, 78). Ушбу гап таркибида юклама йўқ, бироқ юклама бўлмаса ҳам пресуппозицияга ишора қиладиган вазият мавжуд, яъни: *in einem der Zimmer* бирикмаси туфайли *in anderen Zimmern* пресуппозициянинг оддий кўриниши тилнинг прагматик вазифасини руёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Тилга хос прагматик вазифаларни руёбга чиқаришда пресуппозиция тушунчасидан бошқа тушунчалар ҳам кенг қўлланилмоқда. Масалан, Р.Х.Вольперт пресуппозиция тушунчаси ўрнига «денотатив» ва «коннотатив» атамаларини(2, 15), Т.М. Шмакова ва А.И. Пасловская эса «эксплицитив» ва «имплицитив» (3; 4) тушунчаларини қўллайди. А.И. Пасловская олмон тили матншуносларининг инкор соҳаси бўйича олиб борган тадқиқотларини ўрганиб, инкор ҳодисасини эксплицитив ва имплицитив усуллар орқали тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Олмон тилида инкор ҳодисасини изоҳлашда антоним сўзлар асос қилиб олинади. Масалан, *ledig, verheiratet, unverheiratet* модели бўйича бир-бирини инкор этувчи янги моделлар яратилади. *Er ist ledig; er ist verheiratet; er ist verheiratet → er ist unverheiratet; er ist ledig* (4, 67). Олимнинг тушунтиришича, контекстда бирор-бир гап таркибида *ledig* сўзи келса, унга нисбатан *unverheiratet, nicht verheiratet* пресуппозициялари ижобий мазмун ифодалайди; салбий маънода эса у *verheiratet* сўзи орқали ифодаланиши мумкин. Бу масаланинг биринчи томони. Масаланинг иккинчи томони – имплицитив тушунчаси матндаги *ledig* ва *organisch* сўзларидаги соф маънони ифодалаётган бўлса, эксплицитив ҳодисаси ясама сўзларга, масалан матндаги *unverheiratet, anorganisch*га нисбатан қўлланилади. Ҳар икки ҳолатда антонимлик маъноси ётади. Демак, бу усуллар ҳам тилнинг прагматик вазифасини руёбга чиқаришдаги муҳим омиллардан. Тилга хос бўлган прагматик вазифани

руёбга чиқаришда синтактик-стилистик усуллардан ташқари, мантиқий омиллардан ҳам фойдаланишни тадқиқ этиш бутунги тилшуносликнинг муҳим вазифаларидандир.

Демак, юкламалар илова қурилма таркибида икки хил кўринишга эга бўлади: биринчидан – улар иловали унсурлар таркибида келиб, иловали унсурларнинг мазмунини кучайтиради; иккинчидан – юкламаларнинг ўзи ёки ўзлари бевосита синтактик муносабатга киришган ядролари билан биргаликда иловали унсурлар функциясида келади. Юкламаларнинг, аниқроғи, юкламали бирикмаларнинг иловали унсурларга муайян даражада функционал жиҳатдан яқинлиги ва улардан фарқ қилиши қуйидаги хусусиятларда ўз ифодасини топади: юкламалар ўз ядросига нисбатан қўшимча маъно ифодаласа, иловали унсурлар асосий ифодага ёки унинг бирор-бир компонентига қўшимча маъно юклайди; юкламалар ядросиз юклама функциясида келмаса, иловали унсурлар асосий ифодасиз иловали унсур функциясида келмайди; юкламалар ўз ядроларига нисбатан ёнма-ён ёки маълум масофада турса, иловали унсур ҳам асосий ифодага нисбатан худди шундай позицияда туради; юкламалар ўз ядроларига нисбатан синтактик функцияда келса; иловали унсурлар ҳам асосий ифодага нисбатан худди шундай функцияда келади; юкламалар ҳар хил гап бўлаклари ва гап турлари билан ўзаро синтактик муносабатга киришса, иловали унсурлар функциясида ҳам ҳар қандай гап бўлаги ва гап тури ифодаланиб келади; юкламалар якка ёки жуфт ҳолда бўлса, иловали унсурлар ҳам якка ва кенгайтирган ҳолда келади; иловали унсурлар баъзи ҳолларда полифункционал характерга эга бўлади, худди шундай ҳолатни юкламали бирикмалар таркибида ҳам кузатиш мумкин-у ҳолат $T \rightarrow R$, $R \rightarrow T$ ёки $T \rightarrow R \rightarrow T \rightarrow R$ модели орқали ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Fallada Hans. Jeder stirbt für sich alleine. – Muenchen, 1967.
2. Вольперт Р.Х. Структурно-стилистический анализ моделей предложений с частицей *es* в современном немецком языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1988.
3. Шмакова Т.М. Эксплицитные и имплицитные способы выражения прилагательного отрицания в современном французском языке. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол. наук. – Ташкент, 1987.
4. Пасловская А.И. Некоторые вопросы категории отрицания и модальности в современном французском языке// Тезисы докладов и сообщений Республиканской научно-теоретической конференции. – Нальчик, 1983.
5. Begmatova R.F. Zu Funktionen und Übersetzungsmöglichkeiten der deutschen Abtönungspartikeln ins Usbekische. - Actes du XXVème Colloque International de Linguistique Fonctionnelle. – Frankfurt am Main·Berlin·Bern·Bruxelles·New York·Oxford·Wien: Peter Lang, 2002.
6. Kjell T. Heggelund. Zur Bedeutung der deutschen Modalpartikeln in Gasprächen unter besonderer Berücksichtigung der Sprechakttheorie und der DaF-Perspektive.-Tromso: Lingueistik online 9,2/01.
7. Турсунов Б.Т. Иловали унсурларга хос бўлган хусусиятларни ўзаро мантиқий бутунликда ўрганишга доир. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2004.